

Тавофи қудум масалалари

05:00 / 16.01.2017 4441

Офоқ, яъни мийқот ташқарисидан келувчилар – ифрод ёки қирон ниятида келсалар – иккала суратда ҳам Байтуллоҳи шарифга ҳозир бўлишлари биланоқ шукрона сифатида бир тавоф қилади. Бу тавофи қудум дейилади. Тавофи қудум қирон ёки ифрод ҳажи қилувчи киши учун суннатдир. Аммо умра ва таматтуъ қилувчи киши ҳамда аҳли Макка, аҳли Ҳил ва аҳли мийқотлар учун суннат эмас.

Қирон ҳажи қилувчи олдин умра тавофини қиладими ёки тавофи қудумними?

Қирон ҳажининг суннатга мувофиқ тариқаси шуки, киши Маккаи мукаррамага етиб боргач, аввал умра тавофи ва саъйини адо этиб, сўнг тавофи қудум қилиши керак. Кейин хоҳласа, ҳажнинг саъйини адо қилади, хоҳласа, уни ҳаждан кейингача тўхтатиб туради, бу унинг ихтиёридир.

Агар қирон ҳажи қилувчи Маккаи мукаррамага етиб боргач, аввал тавофи қудумни, кейин умра тавофини адо этса, унинг тавофи қудуми дуруст бўлаверади. Лекин бундай қилиш суннатга хилоф. Чунки, тавофи қудум умрага эмас, балки ҳажга тааллуқлидир. Шунинг учун қирон ҳажи қилувчи аввал умра арконларидан фориғ бўлиб, кейин ҳаж амалларига киришиши керак. Бунинг учун эса аввал умра арконларини бажариб, ундан кейин тавофи қудум қилиш керак бўлади.

Офоқий маккага келган вақтда тавоф турини таъйин қилмаса

Офоқий Маккага келган вақтида тавоф турини тайин қилмасдан тавоф қилса, у қайси тавоф саналади?

Офоқий умра эҳромини боғлаб келса ва тавоф турини тайин қилмай бир тавоф қилса, у умра тавофи деб саналади. Агар ифрод қилувчи киши шундай қилса, у тавофи қудум деб ҳисобланади. Борди-ю, қирон қилувчи киши шундай қилса, яъни бир тавоф қилса, умра тавофи ҳисобланади, агар тайин қилмай икки тавоф қилса, аввалгиси умра тавофи, кейингиси тавофи қудум бўлади. Чунки, тавофи қудум умра тавофидан кейин адо этилади.

("Ғунятун носик")

Ҳайз ё нифос ёки жунублик ҳолатида тавофи қудум қилиш

Агар жунуб киши ёки ҳайз ё нифосли аёл мана шу ҳолатда тавофи қудумнинг мукамал ёки кўпроқ айланасини бажарса, қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Агар поклангандан сўнг тавофни қайта бажарса, қурбонлик соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

Таҳоратсиз тавофи қудум қилиш

Агар офоқий бетаҳорат тавофи қудум қилса, ҳар айлана эвазига бир садақа, бас, етти айланага етти садақа вожиб бўлади. Агар тавофи қудумни таҳоратли ҳолда қайта бажарса, каффорат соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

Тавофи қудумни тарк қилиш

Агар ифрод ёки қирон ҳажи қилувчи киши тавофи қудумни тарк этса, суннатга хилоф қилган бўлади. Лекин бу билан унга каффоратнинг бирорта тури лозим бўлмайди. Чунки суннатни тарк қилишнинг бирор

каффорати йўқ. Бироқ, агар тавофи қудумни бошласа, охирига етказиш вожибдир. Шунинг учун, агар тавофи қудумни бошлагандан кейин тарк қилса, қайта бажариш лозим бўлади. Мабодо, бошлагандан сўнг кўпроқ айланасини тарк қилса, қурбонлик қилмоқ лозимдир; агар камроқ айланасини тарк этса, ҳар айланасига бир садақа вожиб бўлади.

Фоида. Барча нафл тавофларнинг ҳукми ҳам тавофи қудумникига ўхшашдир.

("Ғунятун носик").

Тавофи қудум қандай кишиларга суннат?

Тавофи қудум Арафотда туришдан олдин Маккаи мукаррамага кирган ифрод ёки қирон ҳажи қилувчига суннатдир. Лекин, ҳажжи ифрод ёки ҳажжи қироннинг эҳромини боғлаб, Маккаи мукаррамага кирмасдан, тўғри Арафотга бориб, унда вуқуф қилган киши учун тавофи қудум суннат бўлмайди. Чунки тавофи қудум таҳийяти масжид намозига ўхшайди. Бу намозни эса масжидга кирган кишигина ўқийди. Шундай бўлгач, тавофи қудум ҳам офоқдан Маккаи мукаррамага келиб, тўғри Масжиди Ҳаромга кирувчилар учун Ҳарамнинг таҳийяти масжиди сифатида суннат бўлади.

Шунинг учун тўғри Арафотга борган ҳожиларга тавофи қудум суннат эмас. Кўпчилик Арабистон аҳолиси ифрод ҳажига эҳром боғлайдилар-да, тўғри Арафотга бордилар. Шу боис улар тавофи қудум қила олмайдилар, тавофи қудум улар учун суннат ҳам бўлмайди.

("Ал-масолик фил маносик").